


paremiologik birliklar qadimiyligi, an'anaviyligi jihatidan ma'naviy qadriyatlarimiz tizimida alohida o'rin tutadi. Ular asrlar osha xalq repertuarida yashab kelmoqda. Milliy, diniy-axloqiy, falsafiy, tibbiy dunyoqarashning muhim qirralarini, xalqimizning ma'naviy-ruhiy dunyosini, urfodatleri va turmush tarzining asosiy tamoyillarini o'ziga singdirib olgan xalqning davolash bilan bog'liq folklor namunalari o'ziga xos ma'noviy va badiiy qirralari bilan ma'naviy jihatdan barkamol yosh avlodni tarbiyalab voyaga yetkazishda muhim ahamiyat kasb etadi. Xalq paremalarida kasallik, *og'riq, dard, bemorlik* bilan bog'liq maqollar borki, ularning har biri o'z qo'llanish o'rnini va mazmundorligi bilan ajralib turadi. "Kasallik" semalarini ifodalovchi paremiologik birliklar: *Vahima qilish yarim kasallik, Xotirjamlik yarim boylik, Sabr esa shifoning boshlanishidir*. Xalq donishmandligi aks etgan ushbu maqolda davo sirlari bayon etilishi bilan birga, hayot haqiqatlari ham aks etgan, Ibn Sino ham "Kasalliklarning eng og'iri - vahima va qo'rquv bo'lsa, eng yaxshi davo - xotirjamlikdir" deb aytgan. Sog'lik, yaxshi niyat ifodasiga qaratilgan mustaqil janri hisoblangan olqishlarda kasallik nomlariga tez-tez murojaat qilinganini kuzatish mumkin. Masalan: "*Og'zi oshga yetganda burni qonmasin*"; "*Belning bukilmasin*", "*Beli sinmasin*" Odatda, kelinga qaynonasi zirak taqayotganda "*Qulog'ing dard ko'rmasin*" desa, qo'lga uzuk taqayotganda "*Qo'ling dard ko'rmasin*" yoki "*Qo'l-oyog'ingiz aslo dard ko'rmasin*", "*Tanangiz dard ko'rmasin*" deydi. Bular marosim olqishlari tusini olgan.

Shuningdek, insonga yangi bosh kiyimi kiydirilayotganda "*Boshingiz toshdan bo'lsin*", "*Boshing omon bo'lsin*" deb yaxshi niyat izhor qilinadi. Qarg'ishlarda ham kasallik nomlari ko'p uchraydi. Masalan, "*Tishing to'kilsin*", "*Og'zingdan qoning kelgur*", "*Qulog'ingga tom bitsin*", "*Qulog'ingga qo'rg'oshin quyilsin*", "*Chakaging sinsin*" singari qarg'ishlarda insonga o'lim, og'ir kasalliklarni tilash motivi anglashiladi.

Xulosa qilib aytsak, til insonlarning o'zaro aloqa vositasi bo'lib, yaratuvchining insonga bergan bebaho ne'matidir. Dunyoda har bir xalqning o'z tili uning bebaho boyligi, iftixori, najoti hisoblanadi. Hikmatli so'zlar, paremiologik birliklar, avvalo, biror bir millatning ona tilisida dunyoga keladi. Millat bor ekan uning tili ham yashaydi, tili yashar ekan u millat boshqa millatlar orasida o'z nufuzi, obro'siga ega bo'ladi. Har bir xalqqa o'z tili aziz va ardoqlidir.

Adabiyotlar:

1. Суюнов Б.Т. Тиббий терминлар семантикаси ва тезауруси. Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2023, 66 б
2. Ўзбек халқ мақоллари: Тўпловчилар Т. Мирзаев, Б.Саримсоқов, А. Мусоқулов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 512 б.
3. Ўзбек халқ мақоллари / Тузувчилар: Т. Мирзаев, А.Мусоқулов, Б.Саримсоқов – Тошкент: «Шарқ», 2005. – 253 б.
4. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар махзани – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2018. – 448 б.



МУШТАРАК ҚАЛЬ СОҲИБЛАРИ

Каримова Наргиза

12-сонли ёрдамчи мактаб

она тили ва адабиёти уқитувчиси

ARTICLE INFO

Received: 08th December 2023

Accepted: 08th December 2023

Online: 09th December 2023

КАЛИТ СЎЗЛАР

таржималар, қирғиз прозаси, жонли мулоқот, ижод, Чингиз Айтматов, Асил Рашидов, маънавий ҳаёт, ижодкор, асар, ўзбек-қирғиз халқлари

АННОТАЦИЯ

Сифатли таржималар қилиш учун таржимонлар ўз устиларида мунтазам ишлашлари, оригинал тил эгалари билан жонли мулоқот қилишлари, тажрибаларини ошириб боришлари зарур. Шундай фазилатлар соҳиби Асил Рашидов даҳо адиб Айтматов асарлари таржимасида максимал муқобилликка эришган маҳоратли таржимон ҳисобланади.

XX аср қирғиз прозасининг асосчиларидан бири Ч.Айтматов ижоди Асил Рашидов таржималари орқали яхши таниш. Бизга қардош ва диндош бўлган қирғиз биродарларимиз ҳаёти, тарихи, урф-одатлари ҳамда маданиятини яхши билган маҳоратли таржимон улуғ адиб асарларини жуда чиройли ўгирган. Асил Рашидов Айтматов қаҳрамонлари ҳақида жумладан шундай дейди: “Ч. Айтматов қаҳрамонлари бизга яқин ва таниш кишилар. Чунки ўзбек-қирғиз халқларининг маънавий ҳаёти асрлардан бери бир-бирига пайваста, дили-дилига, тили-тилига вобаста, ери-ерига, қалби-қалбига туташ.” [4.167] Агарда бу икки ижодкорнинг таржимаи ҳолига назар ташласак, кўп жиҳатларда ўхшашликларни кўришимиз мумкин. Иккаласи ҳам очарчилик, қаҳатчилик йилларини гувоҳи бўлишган, уруш даври қийинчиликларини бошидан кечиришган. Айтматовлар оиласи отасининг ҳибсга олинишидан сўнг анчайин қийин аҳволга тушиб қолади, ўғиллар улғайгандан сўнггина молиявий аҳволи яхшиланади. Қийинчилик вақтларида улар бувиси ва Қорақиз аммаси билан овулда истиқомат қилишади. Эртас, мақол-маталларни яхши билувчи бу аёлларнинг Чингизни ёзувчи бўлиб шаклланишида ҳиссалари улкан. Ўз ҳаёти ҳақида берган интервьюсида А.Рашидов оддий деҳқон фарзанди эканлигини, болалигида ўша давр одамлари каби қийинчиликларни бошидан ўтказганлигини ҳамда акалари катта бўлишгандан сўнггина ҳаётлари молиявий тарафдан яхшиланганлигини эслайди. [5] У онасини ҳақида сўз юритар экан, узун қиш кечалари айтиб берган эртас, лапар, мақол-маталларини хотирлайди. Шундан бўлса керак таржимон адиб асарлари руҳиятини, пафосини яхши ҳис этган. Маълумки, Ч. Айтматов ўз асарларида

асосан меҳнат, меҳнат кишиси, унинг ички дунёси, инсон ва замон, инсон руҳияти таҳлили ҳақида ёзган.

Таржимашуносликда икки тилни билган ҳар қандай инсон таржимон бўла олмайди деган қараш бор. Зеро, профессионал таржимон тилни билишдан ташқари маълум билим, малака ва кўникмаларга эга бўлиши шарт. Бошқача айтганда уни касбий тайёргарлиги ёки бой тажрибаси бўлиши талаб этилади. Айтматов асарларининг ҳассос таржимони А.Рашидов юқорида санаб ўтилган барча сифатлар эгаси. Таржимонимиз матнларни адекват ўгиришга эришган. Асарларнинг оригинал ҳамда таржима вариантларини ўқисак, деярли тафовут сезмаймиз. У оригинал матнни ҳоҳ у қирғиз тилида бўлсин, ҳоҳ рус тилида чуқур ва тўла тушунади. Устозда турли типдаги матнларни тушуниш ҳамда қайта яратиш қобилияти бор. Асарларнинг таржима вариантларини ўқир эканмиз, уни ўз тилини ҳам мукамал билиши ва ҳис қилиши аён бўлади. Асарда келтирилган ибора ҳамда мақол-маталларнинг муқобилларини жуда ўринли топган. “Оқ кема” асарида Мўмин чолнинг эски қалпоғи муболаға қилинади. Айтматов чолнинг бош кийимлари қанчалик ҳароб эканлигини “допотопная войлочная шляпа” [1.20] ҳамда “допотопный овчиный тебетей” [1.20] деб тушунтиради. Маҳоратли устоз бу ўхшатишни жуда оригинал тарзда ўгирган. Тилимиздаги эскирганликни англатувчи маталлар сероблигидан унумли фойдаланиб, икки предметни бир ўхшатиш билан ёзган адибдан-да ўзиб, уни икки гўзал матал билан муболаға қилади. Мўминнинг қирғиз қалпоғини – “алмисоқдан қолган эски кийгиз қалпоқ”, телпагини бўлса, “ даққиюнусдан қолган эски тери тақия” [2.449] тарзида ифодалайди. Кўриниб турибдики, мазкур муболағаларнинг бари диний ривоятларга оид. Таржимонимиз қадим замондаги дунёни сув босиши воқеаси ўхшатишидан кўра тилимизда фаол қўлланиладиган “алмисоқ” , “даққиюнус” ибораларидан унумли фойдаланган. Таржимада оригинал тарзда қўлланилган бундай ибора ҳамда маталлар талайгина. “Оқ кема” қиссасида адиб қирғиндан омон қолган бола ва қизни тирик қолганликларини, етимчаларга ўрмонда ҳеч қандай маҳлуқ даф қилмаганини “недаром говорят у сироты семь судеб” [1.43] каби матал билан изоҳлайди. Рашидов ушбу маталнинг ўзбек тилидаги сон ва етимлик билан боғлиқ муқобил вариантини топган ҳамда “етимча етти кўча деб бекорга айтмаганлар” [2.467] тарзида ўгирган. Келтирилган маталлар маъноларида андак ўзгачалик бўлса-да, мазмун- моҳияти яқин.

Биз маҳоратли таржимон меҳнатларини эътироф этган ҳолда, таржималардаги баъзи жузий нуқсонларни айтиб ўтишни лозим топдик. Бу ҳаракатимизни фақатгина фанимиз учун холислик деб баҳолашингизни сўраймиз. Қирғизчадан ўгирилган асарларда қизиқ ходисани, яъни “таржимоннинг ёлғончи дўстлари”ни кузатишимиз

мумкин. Бизга маълумки, таржимоннинг ёлғончи дўстлари ёки тиллараро омонимлар – бу ёзилиши ва ўқилиши ўхшаш, умумий ўзакка келиб чиқишга эга, аммо маънолари ҳар хил сўзлардир. Мазкур ҳодиса матнни нотўғри тушунилишига ва хато ўгирилишига олиб келиши аниқ. Жамила асарида баъзи сўзлар шундай ўгирилган. Ҳикояда Дониёрни овулга келгани ҳамда қариялар унинг ота-боболари шу ерлик эканлигини аниқлашганликлари айтилади. Овулдошлари уни “Жаны тууган Данияр” дея ўзлариники эканини тан олгандай бўлишади. Келтирилган “тууган” сўзи русчага “родичь” тарзида тўғри таржима қилинган. Аммо, таржимонимиз бу сўзни “қариндош” деб эмас, балки “Дониёр дунёга янги келгандек бўлди.” каби изоҳлайди. “Сомон йўли” асаридаги “байкушим” [3.4] сўзида ҳам шундай англашмовчилик юз берган ва ўзбекчага “бойкушим” [2.29] тарзида тўғридан-тўғри таржима қилган. Мазкур сўз “боёқишим” деб ўгирилиши керак эди. Чунки, қирғизлар ҳам бойкушни хайрли санашмайди. Меҳрибон бувиларимиз ўзларининг суюкли набираларни бундай эркаламайдилар. “боёқиш” сўзи иккала тилда ҳам ғамхўр, мўмин инсонга нисбатан ишлатилади.

Адекват таржималар қилиш учун таржимонларимиз ўз устиларида мунтазам ишлашлари, оригинал тил эгалари билан жонли мулоқот қилишлари, тажрибаларини ошириб боришлари зарур. Шундай фазилатлар соҳиби Асил Рашидов даҳо адиб Айтматов асарлари таржимасида максимал муқобилликка эришган маҳоратли таржимон.

Адабиётлар:

1. Айтматов Чингиз. Повести и рассказы. – Ф. «Кыргызстан», 1974.
2. Айтматов, Чингиз. Танланган асарлар: Қиссалар. Т.: «Шарқ», 2016.
3. Айтматов Чынгыз. Чыгырмаларынын жыйнагы: II том. – Б.: «Улуу тоолор, 2014.
4. Асил Рашидов. Т.: (С) Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти., 1981.
5. <https://www.google.com/>